

ХИТОЙ ФОЛЬКЛОР ҲИКОЯЛАРИ



10.24412/2181-1784-2021-1-382-391

PhD О. Очилов

Тошкент давлат шарқшунослик университети Хитой филологияси
кафедраси ўқитувчиси

Annotation: Chinese folklore stories is one of the most popular forms of folklore and differs from folk tales in many ways. The article explores their content, types and typological problems.

Key words: folklore, stories, types of stories, typology, plot.

Хитой фольклор ҳикояларининг асосий мавзуси кундалик турмуш тарзи бўлиб, реал ҳаётдаги инсонлар бу турдаги ҳикояларнинг бош қаҳрамонлари сифатида гавдаланади. Ривоятлардан фарқли томони унда ҳикоя қилинаётган воқеа ёки шахс албатта тарихий воқейлик билан боғлиқ бўлиши шарт эмас, сюжет одатда тўқима бўлиб, ҳикоя қаҳрамонларининг исмлари келтирилмайди, унинг ўрнига “бир одам бўлган экан”, “икки оға-ини бўлган экан”, “бир бой ва унинг хизматкори бор экан” кабилар тарзида келади. Баъзи ҳолатларда “ака”, “ука”, “Ванг Шяо”, “Джанг Да” ва ҳокозолар кўринишида ҳам бўлиши мумкин. Анъанавий-ҳаётий ҳикояларда вақт ҳам аниқ кўрсатилмайди, балки, “қадим замонларда”, “авваллари”, “бир пайтлар” каби замон кўрсаткичларидан фойдаланилиб, умунийлик касб этади. Шу билан бирга, айрим ҳолатларда ҳикоя қилувчи ҳикоя таъсир кучини ошириш мақсадида ва реал воқейлик сифатида тингловчи ёки ўқувчининг диққатини жалб қилиш учун “ҳозирда”, “шу кунларда” каби замон кўрсаткачларидан ҳам фойдаланилганлигини қўриш мумкин. Анъанавий-ҳаётий ҳикоялар билан ривоятлар бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир. Ривоятларнинг типиклашув даражаси қанчалик юқори бўлса, уларнинг анъанавий ҳикояларга айланиши шунчалик енгил кечади. Кўпчилик ривоятлардаги қаҳрамонлар исми-шарифининг йўқолиши уларнинг шу каби ҳикояларга айланиши учун сабаб бўлган. Баъзи бир ҳикояларни афсона ва ривоятлардан фарқлаб олиш анча мураккаб. Масалан, Нюланг ва тўқувчи қиз ҳақидаги ҳикоя. Бу ҳикояни юлдузлар ҳақидаги афсоналар турукумига ҳам киритиш мумкин, лекин, унинг асосий мазмуни Нюланг ва тўқувчи қиз ўртасидаги муҳаббатдан иборат. Ланг Шанбо ва Жу Йингтай ҳақидаги ҳикоя сюжети

реал шахс ва реал воқеа асосига қурилган, лекин, сюжетнинг баъзи қисмлари тўқима, шу билан бирга бу ҳикоя турли худудларга тарқалганлиги боис ундаги қаҳрамонлар исми умунийлик касб этган. Бу каби севги-муҳаббат ҳақидаги ривоятларнинг тарихийлик хусусияти у қадар кучли эмас. Аслида, ҳаётий-анъанавий ҳикояларни ривоятлар ва латифалардан ажратиб турувчи аниқ “чегара чизиги”ни тортиш анчайин мушкул вазифалардан саналади.

Фольклор ҳикоялрнинг асосий мазмуни

1. Бой билан хизматкор ҳақидаги ҳикоялар. Қадимги жамиятда хизматкор мулксиз, дярли ҳеч қандай ҳуқуқи йўқ, ўз хўжайнинг тўла қарам, феодал жамият жабрдийдаси ва ҳаёт тарзи эшак билан ҳўкиздан фарқ қилмайдиган энг қуий табақа вакили эди. Мехнат жараёнида отнинг кучини сарфлаб, бироқ, тўнғизу итнинг овқатини еб, кўп заҳмат чеккан хизматкор қулларнинг аччиқ ҳаёти тарихи шу туркумдаги ҳикояларда ўз аксини топади. Ҳикояларда бойларнинг хизматкорларга нисбатан ўта шавқатсиз бўлганлиги тасвирланиб, бойга доим бераҳим, айёр, маккор, майшатпараст каби сифатлар берилади. Уларга қўйилган лақаблар гўёки уларнинг характеристикини ифода этишда хизмат қиласи. Масалан, “молпараст”, “қалампиртери”, “ваҳший алвости”, “ўламса”, “темир хўрор” ва ҳоказолр. Ҳикояларда тасвирланган бойларнинг қабиҳликларини тасаввур қилиш бироз мушкул. Масалан «那是一定啦» ҳикоясидаги «қалампиртери» хизматкори Жао Да оғир касал бўлиб ётганида уни шавқатсизларча эшиқдан тепиб чиқариб юборади. «敲鸡牙» ҳикоясида хизматкор меҳнатига ҳаддан ортиқ кам ҳақ тўланади, бунинг устига ҳар бир ишидан айб топиб, асоссиз гайриоддий жарималар солинади, хизматкор бир йил заҳмат чекиб, охир оқибат икки қўли бўм-бўш қолади. Ҳикоялардаги бу каби сюжетларда баъзан муболағаларга йўл қўйилганлиги реал зиддиятларни янада чуқур ва таъсирчан акс этишига замин яратган.

Ҳикояларда бой қанчалик айёр, бешавқат, ўта уддабурон бўлмасин, у доим ҳам мақсадига эришаолмайди, хизматкорни енголмасдан кўп ҳаракатлари самарасиз якунланади. Бой ва хизматкор ҳақидаги ҳикоялар асосан хизматкорнинг жасурлик ва донолик билан олиб борган кураши жараёнини тасвирлайди. Улар одатда хушчақчақлик билан курашувчи юморга бой шахслар сифатида гавдаланади. Ҳар қандай мураккаб шароитда ҳам усталик билан муаммо ечимини топиб, бойларнинг зиқналик, майшатпарастлик, қўрқоқлик каби қусурларидан фойдаланган ҳолда уларга қарши ҳаққоний кураш олиб боради. Ҳикояларда хизматкор ўзининг ақллилиги, гапга чечанлиги билан одатда ўз хўжайнларини мот қилишади.

Масалан, бой кун ҳали ёришмаган бўлса ҳам хизматкорига тезроқ ўрнидан туриб иш бошлишни буюриб шундай дейди: “Қуёш тепага келди, ҳали ҳам ётибсанми?!” Хизматкор ўрнида ётганча қимир этмасдан шундай жавоб қайтаради: “кийимимни ямаётгандим”. Бойнинг фифони фалакка қўтарилиб, дейди: “ҳали кун ёришмаган бўлса, қанақа қилиб кийим ямаш мумкин?!” Хизматкор жавоб қиласди: “Нима? Кун ҳали ёришмадими? Қуёш чиқиб кетди, деяётгандингиз-ку...”

Ҳикоялардаги хизматкор образи ўта меҳрибон, ўз одамларига доимо ёрдам қўлини чўзади, душманларга қарши ҳамжиҳатликда курашишга харакат қиласди. Бой табака вакиллари қанчалик харакат қилишмасин хизматкорлар уларнинг барча хийлаю макрларига, турли босимларига сабр қилишади ва пайти келганда ўз жасурлик ва доноликларини ишга солиб уларни доғда қолдиришга муваффақ бўлишади.

Бой ва хизматкор ҳақидаги ҳикоялар феодал жамиятдаги иккита катта синф ўртасидаги зиддиятларни ўз ичига қамраб олади, ҳалқ онгининг уйғониб бораётгандигини ўзида акс эттиради. Бундай ҳикояларда реаллик ва умумийлик хусусиятлари кучли бўлиб, улар асосан дехқончилик худудларида кенг тарқалди. Бой ва хизматкор ҳақидаги ҳикояларда номлар, сюжетда макон ва замон жиҳатидан фарқлар бўлсада, бироқ, қаҳрамонлар характеристи ўзига хос ҳамда ҳикоя тузилиши нисбатан турғундир.

Бой ва хизматкор ҳақидаги ҳикояларда кишилар образи қўпчиликни ташкил этмайди, одатда образлар фақат бой ва хизматкордан иборат, бироқ, ҳикоя сюжети мураккаб, мазмунан бой асар. Хизматкорнинг донолиги билан бойнинг ахмоқлиги очиқласиға қиёсланади, реалистик тасвир ва романтизмга хос муболага уйғунлик касб этади. Натижада инсон характеристи янада очиқроқ гавдаланади ва тарбиявий аҳамияти ортади.

Албатта таъкидлаб ўтиш лозимки, бой ва хизматкор ҳақидаги ҳикояларда дехқонларнинг баъзи бир қаршиликлари, фикрларда уйғонишларнинг ифодаланганлиги ўша давр учун жуда қимматли бўлса ҳам, ҳар ҳолда бошланғич нуқтада бўлиб, уларнинг кураши ҳамон стехиялик босқичда эди.

2. Амалдорлар ва оддий ҳалқ ҳақидаги ҳикоялар. Амалдорлар ва оддий ҳалқ ҳақидаги ҳикоялар гоявий мазмуни ва бадиий қурилишига кўра бой ва хизматкорлар ҳақидаги ҳикояларга ўхшаш. Бу каби ҳикоялар асосан феодалларнинг бераҳмлиги билан ҳалқнинг курашини ифода этади. Ҳикояларда амалдор тўралар ҳалқни эзишга ҳаракат қилишади, бироқ

денишманд халқ ақл-заковат билан қаршилик ҳаракатлари олиб боришади ва уларнинг асл башарасини очиб ташлашади. Мяо миллатининг «Дено келин» («聪明的媳妇») бунга яққол мисол бўлиб, бу мазмундаги ҳикояларни деярли барча халқлар фольклорида учратиш мумкин. Ҳукмдор доно келинга ўзи уйланмоқчи бўлиб, унга совчи қилиб юборилган одами орқали бир нечта шарт қўйибди. Агар у бу шартларни бажараолмаса ҳукмдорга турмушга чиқишига мажбур. Шартларнинг биринчиси бир парча қизил мато топиб осмонни қоплаш эди. У қуйидагича жавоб қиласди: “Ҳукмдорингиз бўйи ва энини ўлчаб берсин, кейин мен бу шартни бажонидил бажараман”. Ҳукмдор ундан яна гавдаси тоғдек келадиган бир тўнғиз топиб келишни, хўroz қўйган битта тухум олиб келишини... шарт қилганда, у барча шартларни усталик билан бажариб, ҳукмдорнинг юзини халқ олдида шувит қилибди. «Нок уруғи» («一粒梨种») ҳикояси ҳаттоқи бутун бир амалдорлар доирасининг қилмишларини очиб ташлайди. Бир камбағал кишига нон ўғирлаганлик айби қўйилиб, қамоққа ташланади. У шунчалик ночор эдики, ёнидан бор-йўғи бир дона нок уруғи топилибди. У ўйлаб-ўйлаб бу ердан қутилишнинг бир йўлини топибди ва уни қўриқлаб ўтирган соқчига шундай дебди: “менда бир ғаройиб уруғ бор, буни ўз қўлларим билан ҳукмдорга тортиқ қилишим лозим”. Ҳукмдорда бу уруғга эга чиқиш истаги уйғониб, камбағални ўз ёнига чорлабди. У ҳукмдорга уруғни бера туриб шундай дебди: “Ҳеч қандай гуноҳ иш қилмаган киши бу уруғларни ерга қадаса, шу заҳоти униб чиқиб, олтин ноклар тугади”. Ҳукмдор қилган қабиҳ ишларини ўйлаб, бунга журъати етмай, ҳукмдорнинг бунақа ишлар қилиши ножоиз эканлигини баҳона қилиб, уруғни экишни бош вазир зиммасига юклабди. Бош вазирниг ҳам қилган гуноҳлари кўплигидан бу ишга қўли бормай қўли остидаги вазирига буюрибди. Вазир қўмондонга, қўмондон ҳарбий таъминотчига... Қарнгки, уларнинг барчаси қилган ёмон ишларидан чўчиб, уруғни экишга ботинишолмабди. Бу ишни бир-бирига соловергач амалдорлар ўртасида катта жанжал кўтарилиш хавфи пайдо бўлганини кўрган камбағал уларни тўхтатишга уриниб шундай дебди: “Илтимос, гапимни эшитинг! Қаранг, ичингизда ким гуноҳ иш қилмаган. Сизлар мени битта қулча ўғирлаганликда айблаб, қамоқхонада тарбияламоқчи бўляпсиз. Буни қандай тушунмоқ керак!” Иложсизликдан уни озодликка чиқаришга мажбур бўлишибди. Амалдорлар ва оддий халқ ҳақидаги ҳикоялар бой ва хизматкор ҳақидаги ҳикоялардан сиёсий хусусияти бир қадар кучли эканлиги билан ҳам фарқланади. Юқоридаги каби ҳикояларда оддий халқ доим юқори синф

вакиллари устидан ғолиб чиққанлигини кўрамиз. Бу албатта хаёлий тасаввур натижаси, бироқ, уларниг сюжети ҳаётий бўлиб, романтизмнинг ранг-баранг бўёқлари билан қоришган реал ҳикоялардир.

3. Мехнат ҳикоялари. Мехнат инсоният ҳаётининг асосий мазмуни. Хитой фольклорида меҳнат ҳақидаги ҳикоялар ҳам кўпчиликни ташкил қиласди. Бу туркумга киравчи ҳикоялар меҳнаткашликни, меҳнати орқали ўз ишининг устасига айланганларни, меҳнат орқали яратилган мўъжизаларни мадҳ этади. Масалан, «Йўлбарс овловчи Танг» («唐打虎故事») ҳикоясини олайлик. Йўлбарс овчиси Тангнинг овозаси ҳар томонга тарқаган эди. Бир қишлоқ атрофида йўлбарс пайдо бўлиб одамлар тинчини буза бошлабди. Қишлоқ ахли йўлбарс овчини чақиришга мажбур бўлишибди ва жуда узок вақт кутишга тўғри келибди. Нихоят соқоллари оқарган мўйсафид билан бир ёш бола уларниг қишлоғига етиб келишади. Буларни кўрган одамлар уларга ишонқирамай умидсизликка берилибди. Чол қўлига кичик болтасини олиб, болани ўрмонга киритиб юбориб, ўзи жойидан жилмай кутибди. Устига қўй ёғидан суриб олган бола тўғри йўлбарс томон бориб, уни ўзига жалб қилибди. Йўлбарс болага ҳамла қилганда чол томон югуриб унинг орқасига беркинганида йўлбарс чолга ташланиши билан, чол уни бир ҳаракати билан ерга қулатган экан. Одамлар келиб қарашса йўлбарснинг қорин териси бутунлай шилиб олинган. Одамлар чолдан бунга қандай эришганлигини сўрашганда, чол бунинг барчасига узок йиллик меҳнат сабаб эканлигини айтиб, йўлбарс овлашни ўрганиш анча мушкул, кўз кучи машқига ўн йил, елка машқига ўн йил, оёқларни кучайтириш учун ўн йил, ҳаммаси бўлиб ўттиз йил вақт керак, деб жавоб қайтарган экан. Бу ҳикоя меҳнаткаш кишиларнинг мўъжизакор кучининг реал тасвири ва меҳнат тажрибасининг бадиий қамровидир. Бундан ташқари яна кўплаб балиқ овловчилар ва айиқ овловчилар ҳақидаги ҳикояларнинг ҳам ғоявий мазмуни юқоридаги ҳикояга ўхшаш.

Мехнат ҳикоялари оарсида ялқовликни даволаш туркумига оидларини ҳам кўриш мумкин. Масалан, «Ўн кўза олтин» («十坛黄金») ҳикояси бунга яққол мисол. Ота ўлими олдидан ўғилларининг меҳнаткаш бўлишидан умидвор бўлиб, экин экиладиган ерга ўн кўза олтин кўмиб қўйилганлигини айтибди. Икки дангаса ўғил олтинларни қўлга киритиш мақсадида бир-бири билан талашиб ерни қазишга тушиб кетишибди. Олтиндан дарак йўқ, лекин, ер чуқур ағдарилганлиги боис мўл ҳосил олишибди ва йигиб олинган олтинранг дон роппа роса ўн кўза чиқибди. Шу тариқа улар меҳнат қадрини тушуниб, бошқа ялқовлик қилишмаган экан. Шунингдек «Бир арава шоли» («

一车稻穗»), «Оддий дон» («一般谷种») ва шу каби ҳикоялар ҳам оталарнинг ақли тадбирлари ёрдамида ялқов ўғилларнинг тарбия топганлиги ҳақида бўлиб, халқ донишмандлигининг ёрқин ифодасадир. Бундай ҳикоялар нафақат меҳнатнинг нақадар буюклигини намоён этишда, балки ёш авлодга таълим тарбия бериш ишларида ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

4. **Оиласий ҳикоялар.** Оила жамиятнинг энг муҳим ва энг асосий бўлагидир. Оила ҳақидаги фольклор ҳикояларда асосан оила аъзолари ўртасида ўзаро муносабатлар бош мавзу қилиб кўтарилади. Ота ва ўғил муносабатларини ўзида акс эттирувчи «Бир қоп тош» («一袋石子») (Чинг сулоласи даврининг классик ёзувчisi Пу Сунглинг бу ҳикоя асосида «Том бошида» («墙头记») драмасини ёзган) ҳикоясида шундай дейилади: Бир оиласида бир неча ака-укалар бўлиб, улардан биронтаси ҳам отасига ғамхўрлик қилишни хоҳлашмабди. Шунда ота бир қоп тошни олтин ва кумушлар солингандек у ёқдан бу ёққа яшираверибди. Буни қўрган ўғиллари ва келинларининг чолга муносабатлари дарҳол яхши томонга ўзгариб, бойликни қўлга киритиш мақсадида ғамхўрлик қила бошлишибди. Чол ўлими олдидан хўрсинганча ўғилларига қаратा шундай деган экан: “Учта ўғил шу бир қоп тошча ҳам эмас экансизлар”. Бу ҳикояда ўз давридаги ота ва ўғиллар ўртасидаги совуқ ва ҳиссиз муносабатга нисбатан чуқур фалсафий жиҳатдан ёндошилган. «Күшчага айланган қизни излаб» («找姑鸟») ҳикоясининг мазмuni қуйидагича: қайнанасининг ўта ёмон муносабати туфайли кўчага чиққан чаққон келин ва софдил қайнисингил уйига қайтиб боришга журъатлари етишмабди. Ярим тунда қоронғу тоғда тут баргларини излаб юришганда қайнисингил тоғлар ҳукмдори томонидан ўғирлаб кетилади. Келинчак қайнисинглиси излаб топганида у тоғ тепасида совуқдан ўлган ва митти күшчага айланаб қолган экан. Бу ҳикоя фожиавий якун топади. Бироқ ушбу туркумга хос бошқа ҳикоялар яхшилик билан ниҳояланганлигини кўриш мумкин. Масалан, мяо миллатининг «Доно келин» ҳикоясида жаҳлдор қайнона келинига ҳар куни қийин вазифалар топширса ҳам, у сабр-тоқат билан барчасини муваффақиятли уddyalайди. Ундан ёғсиз, семиз ва суяксиз гўшт олиб келишини талаб қилганда, у тўнғизнинг қорнини олиб келиб қайнатиб беради. Ҳар бир мураккаб вазифани бекамуқуст бажараётган келинини кўрган қайнона охир оқибат жаҳл ва куйинчакликдан адой тамом бўлади. Опа-сингиллар муносабатини акс эттирувчи «Илон йигит» («蛇郎») ҳикоясида опа илон йигитга турмушга чиқиши рад этади.

Кейинчалик сингилларининг турмушга чиқиб, яхши яшаётганликларини кўрган опа сингилларининг барчасини ўлдиради. Уч сингил ўлган бўлсада, аммо улар қушчаларга айланиб, опасини қарғашади, тиконга айланиб унга санчилишади. Кейинчалик уч сингил яна ўз ҳаётларига қайтишга муваффақ бўлишади. «Анор» («石榴»), «Олтин қуйруқ» («金尻»), «Мармар тош» («鵝卵石») каби ҳикояларда эса ака-укалар ўртасидаги ўзаро муносабатлар ўз аксини топган бўлиб, «Илон йигит» ҳикояси каби эртакка хос хусусиятлар мавжуд. Яхши одам доим яхшилик кўради, ёмон эса албатта жазосини олади.

Хитой феодал жамиятида келинлар одатда энг қуий ўринга қўйилган, баъзан уларга бўлган муносабат хизматкорларнидан ҳам бир неча баробар оғирроқ эди. Оила ичидаги зиддиятлар муҳим ижтимоий моҳиятга эга. Оила ҳақидаги фольклор ҳикоялар орқали қадимги даврларда ота-ўғил, опа-сингил, ака-укалар ўртасидаги муносабатлари ҳолатига баҳо бериш имконияти юзага келади. Ҳозирги кунларгача етиб келган бу туркумга кирувчи ҳикояларда асосан салбий муносабатлар ифодаланган бўлиб, ҳикоялардаги айrim ҳолатлар айни даврга ҳам хослигини пайқаш қийин эмас.

5. Севги-муҳабbat ҳикоялари. Феодал тузум анъаналарига муво-
фиқ қадимги Хитой жамиятида турмуш қуриш масаласи ота-оналар
томонидан ҳал этилиб, қиз ёки йигитнинг ўз турмуш ўртофини мустақил
танлашига йўл қўйилмаган. Шу сабабдан ҳам кўпгина ҳолатларда йигит қиз
ўртасидаги муҳабbat барбод бўлиб, ўз муҳабbatлари учун курашда турли
муаммоларга дуч келишган. Муҳабbat мавзуси ҳалқ ҳаётий ҳикоярининг
муҳим қисмини ташкил этади. Бу туркумга оид ҳикоялар муҳабbatни
абстракт тарзда ифода этмайди, балки жамиятдаги турли зиддиятларни фош
қилишга қаратилган. Ҳикоялардаги ёш йигит ва қиз ҳар хил ижтимоий
сабабларга кўра бирга бўлишолмайди ва оқибат фожиа рўй беради. Бу севги-
муҳабbat фожиаси билан бирга жамият фожиаси сифатида ҳам баҳоланади.
«Эр-хотин Хан ва Рэн» («韩任夫妇»), «Лянг Шанбо ва Жу Йингтай» («梁山伯与祝英台»), э миллатининг «Бир жуфт камалак» («一双彩虹»), ти-
бетликларнинг «Чой ва туз» («茶和盐») каби ҳикоялари бунга мисолдир.
«Лянг Шанбо ва Жу Йингтай» ҳикояси аслида қадимги Жижянг ҳудуди
билан боғлиқ ривоят. Танг даврининг сўнгги йилларида ёзилган Жанг
Дунинг «宣室记» асарида ҳикоянинг нисбатан тўлиқ варианти келтирилган.
Сунг даврига келиб ҳикоя кескин тарзда ривожлана бошлайди. Ёйилиш
доираси кенгаяди, сюжет мураккаблашади ва турли образлар билан бойийди.

Бу ҳикоя асосида ҳалқ қўшиқлари ва драмалар яратилиши унинг янада оммалашишига олиб келади. Натижада Лянг Шанбо ва Жу Йингтай образлари қўпгина ҳалқлар фольклорида умумийлик касб этиб, севги-муҳабbat тимсолига айланишади. Ҳозирги кунга келиб Хитойнинг кўплаб ҳудудларида уларнинг рамзий қабрлари ва Лянг Шанбо ибодатхонаси мавжуд. Нингболикларининг ҳалқ қўшиқларидан бирида шундай сатрларни учратиш мумкин:

“若要夫妇同到老，
梁山伯庙到一到。”

Яъни:

“Эру хотин қўша қариш истасангиз гар,
Лянг Шанбо иботахонасига боринг гал ва гал.”

Севги-муҳабbat ҳақидаги ҳикоялар орасида хаёлий тасаввур хусусияти нисбатан кучлилари ҳам бўлиб, бундай ҳикоялар ҳалқнинг энг эзгу истакларини ўзида акс эттиради. Реал воқейликдаги фожиа хаёлот кучи орқали ижобийга ўзгаради. Бу каби ҳикоялар сирасига «Софдил қиз» «白水素女», «Юйшян боғи» «玉仙园», «Юнг кийимли қиз» «毛衣女» кабиларни киритиш мумкин.

Баъзи севги-муҳабbat ҳақидаги ҳикояларда реализм ва романтизм унсурлари ўзаро ҳамоҳанглик касб этади. Реал фожиавий ҳикоялар одатда ғайриоддий якун топади. Масалан, ҳикоя қаҳрамони ўлгандан кейин бир жуфт капалакка, бир жуфт юлдузга, булут ва денгизга, чой ва тузга, камалакка айланиб қолишади. Бундай якунда албатта, ўзаро муҳабbat риштасини боғлаганларнинг мангу бирга бўлиш истаги мужассам.

Фольклор ҳикояларнинг типологик масалалари. Узоқ даврлар чифириғидан ўтиб, турли ҳалқлар ўртасида ёйилган, умумий қайта ишланиш жараёнларида тобланган ҳикоялардаги образлар, сюжетлар ўзининг юқори бадиий типиклашувига эришди, ҳикоялардаги тасодифий омиллар билан ижтимоий моҳият юксак даражада бирликка келди, иккинчи даражали ҳолатларнинг кўпчилиги тушириб қолдирилиб, кўплаб ҳикоялар матнлари орасидаги фарқлар камайиб борди ва шу тарика ҳикоялар типиклашиб борди. Хитой ҳаётий ҳикоялари орасида “Бой ва хизматчи типи”, “Уддабурон аёл типи”, “Илон куёв типи”, “Икки ака-ука типи”, “Аҳмоқ куёв типи”, “Юнг кийимли қиз типи” каби бир қатор типлар мавжуд. Баъзи ҳикоялар турли миллат, ҳаттоқи турли давлатларда ҳам бир типга мансуб. Бунга сабаб нима?

Одатда бу икки тушунчага эга: Биринчиси “умуммуҳит тушунчаси”, яъни, турли ижтимоий ҳаёт тарзи ўхшашлиги сабаб бир хил типдаги ҳикояларнинг шаклланиши; иккинчиси “умум манба тушунчаси”, бир типга хос турли ҳикояларининг келиб чиқиш манбаси битта, халқларнинг бўлиниши ёки халқлар орасидаги ўзаро алоқалар сабаб ҳикояларининг турли ҳудудларга тарқалиши. Фольклоршунос олим Дуан Баолиннинг фикрича, бу икки назарий қарашлар ўзининг аниқ асосларига эга, аммо, уларни тамоман тугал қараш, деб ҳисоблаб бўлмайди. Турли ҳикояларни конкрет таҳлил қилиш ва қиёсий тадқиқотлар олиб бориш, уларнинг сюжетларидағи фарқларни аниқлаш орқали ҳикояларнинг миллий ва ҳудудий хусусиятларини ангаш, шунингдек, ҳикоялар ёйилишининг ривожланиш манбасини асослаш ҳамда ҳикоялар билан ижтимоий ҳаёт ўртасидаги боғлиқликларни ўрганиш мумкин. Сюжетларни қиёслаётганда ҳикоянинг бадиий мазмуни ва шаклий хусусиятларига енгил қараб бўлмайди, акс ҳолда тўғри хулосаларга келиш имкониятлари пасайиб кетади. Ҳикоялар типологиясини ўрганиш орқали ҳалқ ҳикояларида индивидуал ва универсал хусусиятларнинг уйғунлашуви ва типиклашувини, структур ва образлар тасвири ҳамда бадиий тил жиҳатдан тадқиқ қилиш турли халқлар ўртасидаги маданий алоқаларнинг ривожланишига улкан ҳисса қўшади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. 龚鹏程. 《中国文学史（上册）》后浪出版咨询（北京）2009.
2. 马积高, 黄钧主编 《中国古代文学史》（上中下），人民文学出版社，2009.
3. 郑振铎, 《中国文学史》，上海人民出版社，2005.
4. 聂石樵. 唐代文学史. 出版社 中华书局. 2007 年.
5. 李秀兰. 韩愈的教育思想研究. 浙江大学. 2011 年.
6. 田恩铭. 两《唐书》中的中唐文学家传记研究. 陕西师范大学. 2008 年.
7. 林传甲: 《中国文学史》上海科学书局民国三年第六版.1904 年
8. 游国恩, 王起... 《中国文学史》北京: 人民文学出版社, 1984 年
9. 段宝林: 《中国民间文学概要》, 北京大学出版社, 北京, 1985 年
10. Khalmurzaeva, N. T., Omonov, Q. S., Rikhsieva, G. S., & Mirzakhmedova, K. V. (2021). SPECIFICITY OF THE ACTION OF SILENCE IN JAPANESE

COMMUNICATION CULTURE. CURRENT RESEARCH JOURNAL OF
PHILOLOGICAL SCIENCES (2767-3758), 2(08), 50-55.

11. Hashimova, S. A., & Nasirova, S. A. (2021). FEATURES OF FORMING OF ANIMATED NOUNS WITH THE AFFIXES IN MODERN CHINESE LANGUAGE. *Journal of Central Asian Social Studies*, 2(04), 1-10
12. Nasirova, S. A., Hashimova, S. A., & Rikhsieva, G. S. (2021). THE INFLUENCE OF THE POLITICAL SYSTEM OF CHINA ON THE FORMATION OF SOCIAL AND POLITICAL TERMINOLOGY. *Journal of Central Asian Social Studies*, 2(04), 10-17.